

(1845-йил – Хива – 1910-йил)

(1864-1910)

Хива хони; шоир ва бастакор. Кўнгиротлар сулоласидан. Хива шаҳридаги Араб Муҳаммадхон мадрасасида тахсил кўрган, давлат, ҳуқуқ илмини замонасининг машхур мударриси, шоир ва олим Доий, Юсуфхўжа охун ва бошқалардан ўрганган. Огахий Муҳаммад Раҳимхон ИИ - Ферузга устозлик қилган, унга шеърят сирларини ўргатган, тарих, таржима илмидан сабоқ берган. Отаси Сайид Муҳаммадхон вафотидан сўнг (1864) Хива тахтига ўтирган.

1873-йил Хива хонлигига К.П.фон Кауфман бошчилигидаги Россия кўшини хужум қилиб, хонликнинг асосий шаҳарлари ва пойтахтни босиб олган. Гандимиён шартномаси (1873-йил 12-август)га кўра, Хива хонлиги подшо Россиясига қарам бўлиб қолган. Феруз ана шундай мураккаб шароитда ярим асрга яқин муддат давомида Хива хонлигини бошқарган. Феруз саройга адабиёт ва санъат арбобларини тўплаган. Огахий, Комил, Табибий ва бошқалар таъсирида ўзи ҳам Феруз (бахтли, голиб) тахаллуси билан шеърлар ёзган. У қорақолпоқларни бошқариш учун “Қорақолпоқ улус”ини шакллантирган. Феруз китобат ишларига катта аҳамият берган: девон тузиш, тарих ёзиш, таржима ишларини ривожлантирган. Хоразмда таржима мактаби яратган. Форс ва араб адабиётининг энг нодир тарихий, адабий, илмий асарларини ўзбек тилига таржима қилдирган.

Унинг ҳукмронлиги даврида Огахий ва Баёнийлар томонидан Хоразм тарихига оид асарлар ёзилган. Комил Хоразмий мумтоз макомлар учун нота ёзувини ихтиро қилган. Хивада босмахона (тошбосма) ташкил эттирган. Унда Хоразм шоирлари ҳақидаги “Мажмуат уш-шуаро” тазкираси, Алишер Навоий асарлари, Хоразм шоирлари девонлари нашр қилинган. Феруз Хиндистон, Арабистон, Эрон, Туркия савдогарлари орқали Хоразмга чет эллардан ноёб китоблар келтиртирган ва уларни кўп нусхаларда кўчиртирган, тарих ва адабиётга оид китоблардан иборат бой қутубхона яратган. Феруз меъморлик, наққошлик, хаттотлик каби санъат турларини ҳам ривожлантирган. Бу даврда фотография ва кино санъати вужудга келган, ободончилик ишлари амалга оширилган.

Феруз 1871-йил Кўхна Арқ қаршисида ўз номи билан аталувчи 2 қаватли мадраса қурдирган (Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси). Ферузнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан 30 дан ортиқ мадраса, масжид, минора, хонақоҳлар қад ростлаган. Феруз ерларни сув билан таъминлаш, бог-роғлар барпо этиш ишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Унинг буйруғига мувофиқ, Кўнгирот тумани сарҳадида катта ариқ қўйилган. Ҳозирда ушбу ариқ “Хон ариғи” деб аталади.

1874-йили Феруз Россиядан 2 та литография (китоб босувчи) машинани сотиб олиб, Туркистонда илк маротаба китоб чоп этишни йўлга қўйган. Унинг топшириғига кўра бир қатор тарихий ва шарқона дидактик асарларни ўзбек тилига ўгириш бўйича катта ишларни амалга оширган. Масалан, “Табарий тарихи” (12 жилдда), “Шайбонийнома”, “Зафарнома”, “Эрон тарихи”, “Тўтинома” (тўти тилидан эртақ тарзида хикоя қилинган насихатлар китоби) “Маорифнома” қабилар. Муҳаммад Раҳимхоннинг ёзғи қароргоҳи

Тозабогда нодир китоблар сакланиб Россиянинг шаркшунос олимларининг этиборини тортган ва улар бу ерга ана шу нодир китобларни ўрганиш, таржима килиш ва кўчириш учун атайин келишган. Мухаммад Рахим Боходирхон бутун Ўрта Шаркда тенги топилмас бой кутубхонага асос солган. Унинг топширигига кўра ёзилган мамлакат тарихи Бухоро ва Кўконда битирган худди шундай тарихлардан мусоффолиги ва ишонарлиги билан ўта даражада юкори савияда эди.

Феруз мумтоз шеъриятнинг анъанавий жанрларида лирик шеърлар яратган. Шеърлари, асосан, ишк-мухаббат мавзуида. Инсон ва хаёт, севги ва садокат Феруз ижодининг гоёвий асосини ташкил килади. Улар охангдорлиги, тасвирий-ифодавий бўёкларга бойлиги ва шаклан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Унинг кўпчилик газаллари ўз замонасида созандалар томонидан куйга солиб куйланиб келинган. Шеърларига “Девони Феруз” номи билан тартиб берган (1879). Бу девон Мухаммад Шариф томонидан кайта кўчирилган (1900). Ферузнинг ўзи Пахлавон Махмуднинг 350 рубоийсини кўлда кўчириб, китоб холига келтирган. Феруз Шашмаком куйларини ўрганган, саройда маком ансамблини тузган. “Наво”, “Дугох”, “Сегох” макомларига боглаб куйлар яратган. Феруз Саид Махруйжон мажмуасидаги Сайид Мохи Руйи Жахон макбарасида дафн килинган.